

Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Термиз туманида сайёр қабул

ўтказди



Бугун Термиз тумани Маданият бўлимида вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Тимур Исмаилов ва туман ҳокими Шухрат Назаров томонидан аҳолини қийнаб келаётган муаммолар, жумладан, ички ишлар тизими билан боғлиқ муурожаатларни тинглаш мақсадида сайёр қабули ўтказилди.

Унда фуқароларнинг оилавий низоларини ҳал этиш, фуқаролик ҳужжатларини тиклаш ва олишда амалий ёрдам бериш, пробация рўйхатида бўлган шахсларни муддатидан аввал озод этиш, тадбиркорлик ва бошқа ички ишлар тизими билан боғлиқ йигирмадан ортиқ муурожаат тингланди.

Сайёр қабул давомида келиб тушган муурожаатларнинг бир қанчасига ечим топилган бўлса, ижроси муддат талаб қиладиган масалалар масъулларга йўналтирилди.

Шунингдек, тадбир давомида бир гуруҳ ёшларга илк марта ИД-карталар ва эсдалик совғалари топширилди.